

“██████████” агрофирмаси номига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун ажратилган 68 миллион 918 минг 125 сўм миқдоридаги имтиёзли кредитнинг 34 миллион 100 минг суми қопланмаганлигини билгани ҳолда, юқори турувчи идорасидан салбий таъсир келтирилган сохта обрў орттириши ва ҳисобот кўрсаткичларини яхшилаш учун гўёки кредит қарздорлиги ундирилгандек кўрсатиш мақсадида, 31.03.2016 йилда “██████████” агрофирмаси номига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 34100,0 минг сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилишига эришиб, мазкур кредит маблағларини мавжуд кредит қарздорлиги учун тўлов сифатида банк ҳисоб рақамига тушириб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Судланувчилар ██████████, ██████████ ва ██████████ лар ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2015 йил январь ва февраль ойларида “██████████” агрофирмаси номига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун ажратилган 94 миллион 632 минг 213 сўм миқдоридаги имтиёзли кредитнинг 49 миллион 150 минг 763 сўм суми қопланмаганлигини билгани ҳолда, 31.03.2016 йилда “██████████” МЧЖ номига 49 миллион 150 минг 763 сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилишига эришиб, мазкур кредит маблағларини мавжуд кредит қарздорлиги учун тўлов сифатида банк ҳисоб рақамига тушириб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, судланувчилар ██████████, ██████████, ██████████ лар билан биргалкида, ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “██████████” МЧЖга 116 миллион сўм ва “██████████ савдо” МЧЖга 30 миллион 659 минг 574 сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилишига эришиб, мазкур кредит маблағларини мавжуд кредит қарздорлиги учун тўлов сифатида банк ҳисоб рақамига тушириб, бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Шундан сўнг, жиноий ҳаракатларини фош бўлмаслиги мақсадида, “██████████” агрофирмаси раҳбари ██████████ нинг имзосини ██████████ ва ██████████ лар томонидан сохталаштиришиб, сохта кредит йиғма жилдини шакллантириб, сохта ҳужжатлар тузишиб, мансаб сохтакорлигини содир этиб, давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабабчи бўлганлар.

Шундай қилиб, судланувчилар ██████████, ██████████ ва ██████████ лар давлат иштирокидаги ташкилот мансабдор шахси ҳисобланиб, сохта обрў орттиришда ифодаланган ғаразгўйлик ниятида била туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан, ўзига ишониб топширилган ёки ўзининг ихтиёрида бўлган, ўзганинг жуда кўп миқдордаги жами 229 миллион 910 минг 337 сўм бюджет маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишган.

Судланувчи ██████████ суд мажлисида берган кўرғазмасида, ўз айбига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у АТБ «██████████ банк» ██████████ туман филиалида 2015 йил апрель ойидан бошлаб 2017 йил январь ойига қадар «кредитлаш бўлими бошлиғи» лавозимида ишлаганлигини, банк филиалида кредитлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган вақтида, унинг хизмат вазифасига филиал мижозлари томонидан келиб тушган

аризаларни кўриб чиқиш, кредит билан боғлиқ барча ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, мижозлар томонидан олинган кредитларни ўз вақтида қайтарилишни таъминлаш, мониторинг ўтказиш, кредиторлар олган кредитларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва шу сабабдан бошқа вазифалар кирганлигини, бундан ташқари у “██████████ банк” ██████████ филиали кредит кўмитаси аъзоси бўлганлигини, мижозлар имтиёзли кредит олиш ҳақида ариза билан муурожаат қилишлигини, кредит кўмитаси аъзоси бўлиб, кредит бериш тўғрисида хулоса беришлигини, шундан ташқари бирламчи тўпланган ҳужжатлар вилоят филиалига юборилишини, кейин “██████████ банк республика кредит департаментига электрон шаклда жўнатилишини, Республика департаменти бирламчи ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, кредит бериш керак деб ҳисобласа, ҳужжатларни расмийлаштириш учун рухсат беришлигини, шундан сўнг туман филиалида кредит папкаси шакллантирилиб, электрон шаклда республика кредит департаментига юборилишини, у “██████████ банк” ██████████ филиалида кредитлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган даврида яъни 2015 йилда ██████████ туманидаги “██████████” МЧЖга 94.632.213 сўм, “██████████” МЧЖга 68.915.125 сўм, “██████████” МЧЖга 84.987.213 сўм ва “██████████” МЧЖга 61.007.213 сўм миқдорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит суммалари ажратилганлигини, лекин 2016 йил 31 март ҳолатига ушбу агрофирмалар юқорида олинган кредит маблағларини ўз вақтида қайтара олишмаганлигини, шу сабабли, мазкур МЧЖларга вилоят филиали бошқарувчи биринчи ўринбосари ██████████ ва кредит бўлими бошлиғи ██████████ ларнинг тазйиқи остида қонунга хилоф равишда ҳеч қандай кредит ҳужжатларисиз 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит ажратилганлигини, муқаддам олган кредит суммасини тўламаган хўжалик юритувчи субъектларга кредит ажратиш мумкин эмаслигини, лекин, “██████████ банк” ██████████ вилоят бўлими ходимлари ██████████ ва ██████████ лар унга “сен кредитларни чиқариб беравер, биз ўзимиз МЧЖларга айтиб, кейинги ойдан ушбу кредитларни ҳаммасини тўлиқ ёптирамыз” дейишганлигини, шу сабабли вилоят раҳбариятининг тазйиқи остида кредит суммалари чиқарилганидан сўнг, кредит ҳужжатлари тайёрлаб, олдинги сана билан имзо қўйганликларини, ушбу кредитларнинг чиқишидан у ҳам бош ҳисобчи ██████████ ҳам бирон бир манфаат кўрмаганлигини, у бош ҳисобчи ██████████ билан ушбу ноқонуний кредитларни чиқаришни олдиндан келишмаганлигини, ажратилган кредитлар оқибатида жами 229 миллион 910 минг 337 сўм зарарнинг ҳозирги кунда 34 миллион сўми қопланганлигини, ўша вақтда банк бошқарувчиси вазифасини вақтинча бажарувчи ██████████ бўлганлигини, ҳақиқатдан ҳам унга бириктирилган логин пароль билан биринчи ҳужжатларни компьютер орқали у киритганлигини, банк бошқарувчиси ҳам ушбу кредит маблағларининг чиқишида ██████████ нинг кредит кўмитаси раиси сифатида жавобгарлиги борлигини, ҳозирги кунда оилавий шароити оғирлиги сабабли етказилган зарарни қопламаганлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа бундай жинойят содир этмаслигини, шу сабабли суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида берган кўргазмасида, ўз айбига қисман иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у АТБ «[REDACTED] банк» [REDACTED] туман филиалида 2014 йил январь ойидан 2017 йил февраль ойигача бош ҳисобчи лавозимида ишлаганлигини, унинг хизмат вазифаларига кўл остидаги ҳисобчилар ишини назорат қилиш, кунлик тўлов ўтказмаларини ҳужжатларини таштирилишини назорат қилиш, ҳисоботлар тузиш ва вилоят банкига, [REDACTED] инспекциясига, статистика ташкилотига ҳисоботларни топшириш, туш [REDACTED] тўловларини ёпилишини назорат қилиш, жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредит маблағларини чиқариш ва бошқалар кирганлигини, бундан ташқари у «[REDACTED] банк» [REDACTED] филиали кредит кўмитаси аъзоси бўлганлигини, у «[REDACTED] банк» АТБ [REDACTED] филиалида бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган даврида, яъни 2016 йил 31 март куни [REDACTED] туманидаги «[REDACTED]» МЧЖга 49.150.763 сўм, «[REDACTED]» МЧЖга 34.100.000 сўм, «[REDACTED]» МЧЖга 116.000.000 сўм, «[REDACTED]» МЧЖга 30.659.574 сўм миқдоридан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит ажратилганлигидан хабари борлигини, мазкур МЧЖларга ушбу кредит суммалари қонунга ҳилоф равишда ҳеч қандай кредит ҳужжатларисиз вилоят филиали бошқарувчи биринчи ўринбосари [REDACTED] ва кредит бўлими бошлиғи [REDACTED] ларнинг тазйиқи остида чиқарилганлигини, унга вилоят филиали бошқарувчи биринчи ўринбосари [REDACTED] ва кредит бўлими бошлиғи [REDACTED] лар «вилоят ҳам Республика ҳам тасдиқлаб турибди сен нега кредитларни чиқармаяпсан» деганлиги сабабли, мажбур бўлганидан юқоридаги кредит маблағларини чиқариб берганлигини, шундан сўнг орадан бироз вақт ўтгач, юқорида номлари келтирилган агрофирмалар номига кредит йиғма жилдларини шаклланириб, ҳужжатларга имзо қўйганлигини, у ушбу кредитларнинг чиқишидан бирон бир манфаат кўрмаганлигини, у кредит бўлими бошлиғи [REDACTED] билан ушбу ноқонуний кредитларни чиқаришни олдиндан келишмаганлигини, ўша вақтда банк бошқарувчиси вазифасини вақтинча бажарувчи [REDACTED] бўлганлигини, ҳақиқатдан ҳам унга бириктирилган логин пароль билан биринчи ҳужжатларни компьютер орқали у киритганлигини, банк бошқарувчиси ҳам ушбу кредит маблағларига кредит кўмитаси раиси сифатида жавобгарлигини, барча кредит суммалари бир кунда чиқарилганлигини, ҳозирги кунда оилавий шароити оғирлиги сабабли етказилган зарарни қопламаганлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бошқа бундай жиноят содир этмаслигини, шу сабабли суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида берган кўргазмасида, ўз айбига умуман иқрорлик билдирмасдан, ҳақиқатдан ҳам у АТБ «[REDACTED] банк» [REDACTED] туман филиалида 2016 йил 28 февралдан 2016 йил 07 апрель кунига қадар бошқарувчи вазифасини вақтинча бажарганлигини, 2016 йил 31 март куни вилоят филиали бошқарувчи биринчи ўринбосари [REDACTED] ва кредит бўлими бошлиғи [REDACTED] лар туман филиалига келишиб, муқаддам олган кредит суммасини тўламаган хўжалик юритувчи субъектларга кредит ажратиш

кераклигини айтишганлиги, у уларга ушбу иш ноқонунийлигини айтганида, вилоят филиали бошқарув биринчи ўринбосари [REDACTED] унга “бугундан бошлаб ишдан бўшадинг, аризанг ёз” деганлигини, шундан сўнг у ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб, [REDACTED] га бериб, умуман филиалидан чиқиб кетганлигини, унинг 2016 йил 31 март куни [REDACTED] туманидаги “ [REDACTED] ” МЧЖга 49.150.763 сўм, “ [REDACTED] ” МЧЖга 4.100.000 сўм, “ [REDACTED] ” МЧЖга 116.000.000 сўм, “ [REDACTED] ” МЧЖга 30.659.574 сўм миқдорида кишлок хўжалик маҳсулот [REDACTED] гиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит ажратилганлигидан хабари йўқлигини, уни туман прокуратураси терговчиси чакириб, тергов қилганида, у ушбу кредит ҳужжатларидаги имзолар уники эмаслигини, кимдир унинг имзоларини сохталаштирганлигини айтганлигини, ушбу кредит папкаларини у ишдан бўшаганидан кейин шакллантирилганлигини, унинг номига логин пароль очилмаганлигини, у [REDACTED] нинг уйига умуман бормаганлигини, [REDACTED] га тегишли бўлган агрофирманинг муҳрларини унинг оила аъзоларидан олмаганлигини, уни ишдан бўшаш тўғрисидаги буйруқ билан таништиришмаганлигини, [REDACTED] унга “бошқа ишламайсан, ишдан кет, сени бу соҳада бошқа ишлатмайман” деганлиги сабабли, у ишдан кетганлигини, у бошқарувчи вазифасини бажариш учун розилик хати бермаганлигини, вилоят раҳбарлари ўзаро келишишиб буйруқ чиқаришганлиги, у 31.03.2016 йил ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзганидан сўнг умуман туман филиалига ишга бормаганлигини, чунки [REDACTED] унга “бошқа иш қидиравер, бу ерда ишламайсан” деганлигини, у ишдан бўшаганидан сўнг унинг ўрнига [REDACTED] келганлигини, кредит папкалари [REDACTED] нинг номига шакллантирилганлигини, у судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] лар билан ушбу ноқонуний кредитларни чиқаришни келишмаганлигини, у ҳеч кимга туманидаги агрофирмаларга кредит ажратиб, эски қарздорликларни ёпиш тўғрисида буйруқ бермаганлигини, 2016 йил ноябрь ойида аудит текшируви ўтказилаётган вақтда, кредит папкалари шакллантирилганлигини, шу сабабли унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида ўз айбига умуман, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] суд мажлисида ўз айбларига қисман иқдорлик билдириб кўрғазма берган бўлсаларда, уларнинг айби суд мажлисида сўралган фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрғазмалари, хизмат текшируви маълумотномаси ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, яъни,-

Судда сўралган фуқаровий даъвогар [REDACTED] ўз кўрғазмасида, ҳақиқатдан ҳам у 2017 йил 08 февраль кунидан ҳозирги кунга қадар « [REDACTED] банк» [REDACTED] туман филиалида юридик хизмат бўлими бошлиғи вазифасида ишлашлигини, “ [REDACTED] банк” АТБ [REDACTED] филиали мансабдор шахслари томонидан 2016 йил 31 март куни [REDACTED] туманидаги “ [REDACTED] ” МЧЖга 49.150.763 сўм,

“██████████” МЧЖга 34.100.000 сўм, “██████████” МЧЖга 116.000.000 сўм, “██████████” МЧЖга 30.659.574 сўм миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга им (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) 9% фойзли кредит ажратилиши нагажасида, жами 229 миллион 910 минг 337 сўм зарар етказилганлиги аниқланганлигини, ҳозирги кунда ноқонуний ажратилган кредитлар оқибатида жами 229 миллион 910 минг 337 сўм зарарнинг 34 м 100 минг сўми қопланганлигини, қолган 195.810.337 сўми қопланмасди наётганлиги, суднинг хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги ажримига асосан ██████████ банк АТБ Ички аудит департаменти бўлими томонидан ушбу кредитларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилганлигини, ўрганишда ██████████ банки ██████████ туман филиалининг ўша вақтда вақтинча бошқарувчи вазифасини бажарувчиси ██████████ бўлганлиги ва унинг ҳам ушбу кредит маблағларининг талон-торож қилинишига жавобгарлиги аниқланганлигини, ██████████ нинг ҳам жиной жавобгарлигини таъминлаб, етказилган зарарларни айбдорлардан ██████████ банки ██████████ туман филиалига ўндириб беришни сўраганлиги ҳақидаги.

Судда сўралган гувоҳ ██████████ ўзининг кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам, у 2015 йил аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яъни уруғлик картошка, пиёз, сабзи, лавлаги уруғлари ва парранда, яъни броллер товукларини кредит маблағлари асосида етказиб бериш учун “██████████” МЧЖ агрофирмасини очиб, давлат рўйхатидан ўтказиб, фаолият юритганлигини, у 2015 йил март-апрель ойларида “██████████” агрофирмасига “██████████ банк” АТБ ██████████ филиалидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун йиллик 9% устама тўлаш шarti билан 68.918.125 сўм миқдорда имтиёзли кредит олганлигини, ушбу кредит маблағларининг 34.818.125 сўмини кредит муддатида қоплаганлигини, 2016 йилнинг 31 март кунигача кредитнинг қолган 34.100.000 сўмини тўлай олмаганлигини, ҳозирги кунда тўланмасдан қолган кредит суммасининг 34.000.000 сўмини тўлаганлигини, у 2016 йил “██████████ банк” ██████████ филиалидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун йиллик 9% устама тўлаш шarti билан кредит олиш учун мурожаат қилмаганлигини, 2016 йил 31 март кунини “██████████ банк” ██████████ филиалидан унинг агрофирмаси номига ажратилган кредит ҳужжатларидаги имзолар уники эмаслигини, имзоларни ким қалбакилаштирганлигини билмаслигини, айбдорларни тегишли равишда жиной жавобгарликка тортишни ва жазо беришни сўраганлиги ҳақидаги,

Судда сўралган гувоҳ ██████████ ўзининг кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам у 2006 йилнинг май ойидан бошлаб “██████████ банк” АТБ вилоят филиалида турли лавозимларида ишлаганлигини, у 2016 йилнинг 07 апрель кунидан 2016 йил 10 май кунига қадар “██████████ банк” ██████████ туман филиалида бошқарувчи вазифасини ватинчалик бажарганлигини, иш фаолияти давомида ██████████ туманидаги “██████████” МЧЖга 49.150.763 сўм, “██████████”

“██████████” МЧЖга 34.100.000 сўм, “██████████” МЧЖга 116.000.000 сўм, “██████████” МЧЖга 30659574 сўм миқдорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит ажратиш тўғрисида хабари берилгани, мазкур МЧЖларга ушбу кредит суммалари қонунга хилоф равишда ҳеч қандай кредит ҳужжатларсиз берилганлигини, сабаби 2015 йилдан мазкур агрофирмаларга ажратилган кредитнинг муддати тугаганидан сўнг қўл қўйилган кредит суммаларини қоплаш мақсадида мазкур кредит ҳужжатларини ҳеч қандай тегишли ҳужжатларсиз чиқарилганлигини, уни билганлари шулардан иборатлиги ҳақидаги,

Судда сўралган гувоҳ ██████████ ўз кўргазмасида, ҳақиқатдан ҳам у 2015 йилнинг февраль ойидан 2018 йил март ойига қадар “██████████ банк” АТБ вилоят филиалида турли лавозимларида ишлаганлигини, у 2016 йилда “██████████ банк” филиалида кичик бизнес субъектлари бўйича кредит бўлими бошлиғи лавозимида ишлаганлигини, ҳар бир мижоз банкдан кредит олиш учун ариза билан мурожаат қилиб, тегишли ҳужжатларни тақдим қилишлигини, шундан сўнг банкдаги кредит қўмитаси мазкур ариза ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, кредит берилишини лозим топса, туман филиали ходимлари ҳужжатларни электрон тартибда “██████████ банк” АТБ вилоят бўлимига ва “██████████ банк” АТБ Республика кредит департаментига юборилишини, уларнинг розилиги олинганидан сўнг, кредит папкаси тўлиқ ҳолда электрон шаклда “██████████ банк” АТБ Республика кредит департаментига жўнатилишини ва Республикадан рухсат берилганидан сўнг, кредит суммалари туман филиалидан чиқарилишини, кредитларнинг берилишидан филиал бошқарувчисининг хабари бўлишлигини, ушбу вақтда банк бошқарувчиси васифасини вақтинча бажарувчи ██████████ бўлганлигини, агар кредит ноқонуний чиқарилган бўлса, бир иш куни муддатида банк бошқарувчиси ушбу кредитни қайтариш чорасини кўриши лозимлигини ва бу ҳақда юқори турувчи раҳбарига хабар бериши лозимлиги, бош ҳисобчи кредитларнинг ноқонунийлигини билса, ушбу кредитнинг чиқарилишига йўл қўймаслиги лозимлиги, у 2016 йил 31 март куни “██████████ банк” ██████████ туман филиалига келиб, туман филиал ходимларига ██████████ туманидаги агрофирмаларга кредит ажратиш тўғрисида ҳеч қандай босим ёки тазйқ ўтказмаганлигини, судланувчилар нима сабабдан бундай кўрсатма бераётганликларини билмаслигини, унинг хизмат вазифасига кредитларнинг ундирилишини назорат қилиш кирганлиги сабабли, у ходимларга кредит қарздорликларини ўз вақтида ундириш юзасидан топшириқ берганлигини, лекин юқорида номлари кўрсатилган агрофирмаларга янгитдан кредит ажратиш ҳақида буйруқ ёки топшириқ бермаганлигини, дастлабки олинган кредит суммаларини қопламаган мижозларга янгитдан кредит расмишлантирилиши мумкин эмаслигини, агар мижоз бошқа йўналишга кредит олаётган бўлса, кредит қўмитаси ўрганиб чиқиб, рухсат бериши мумкинлигини, кредит қўмита аъзолари мижозларга кредит

ажратилишига қарор қилганидан сўнг, ушбу масаланинг ижросини филиал кредит бўлими зиммасига юклатилишини, кредит папкаларга филиал бошқарувчиси, бош ҳисобчи кредит бўлими бошлиғи ва қолган аъзолар имзо қўйишлигини, ижрозларга кредит ажратилишидан филиал бошқарувчисининг хабари бўлишлигини ва биринчи имзо ҳамда банкнинг барча операциялари учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисидаги,

Судда сўралган гувоҳ [REDACTED] ҳақиқатдан ҳам у 2015 йил март ойида аҳолига [REDACTED] хўжалик маҳсулотлари яъни уруғлик картошка, пиёз, сабзи, лавлаги уруғлари ва парранда, яъни броллер товукларини кредит маблағлари асосида етказиб бериш учун “ [REDACTED] ” МЧЖ агрофирмасини очиб, давлат рўйхатидан ўтказиб фаолият юритганлигини, у 2015 йил март-апрель ойларида “ [REDACTED] ” агрофирмасига “ [REDACTED] банк” [REDACTED] филиалидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун йиллик 9% устама тўлаш шарти билан 84.987.213 сўм миқдорида имтиёзли кредит олганлигини, шундан сўнг 2015 йил июнь ойининг бошларида 7.000.000 сўм кредит фоизларини тўлаганлигини, шундан сўнг 2016 йил январь ойининг охирида у ўз ишлари билан [REDACTED] вилоятига кетган вақтида, яшаш уйига банк бошқарувчиси [REDACTED] келиб, унга қўнғироқ қилиб, текширувчилар келаётганлиги сабабли ундан агрофирмасига тегишли печатларни беришини сўраганлигини, шунданг сўнг оила аъзолари печатларни [REDACTED] га бериб юборишганлигини, орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг [REDACTED] унга қўнғироқ қилиб, “ака сизнинг ҳисоб рақамингиздан менинг ҳисоб рақамимга 116.000.000 сўм пул келиб тушди” деб айтганлигини, шундан сўнг у ушбу масалага аниқлик киритиш мақсадида “ [REDACTED] банк” АТБ [REDACTED] филиали бошқарувчиси [REDACTED] нинг олдида борганида, [REDACTED] унга “ака ҳеч кимга ҳеч қандай пул тушгани йўқ” деб жавоб берганлигини, у 2016 йил 31 март куни “ [REDACTED] банк” АТБ [REDACTED] филиали томонидан унинг агрофирмасига ажратилган кредитдан хабари йўқлигини, орадан бир қанча вақт ўтганидан сўнг унинг яшаш уйига банк юристи [REDACTED] келиб, кредит қарздорликларини тўлашини айтганида, 2016 йил 31 март куни унга кредит ажратилганлигини билганлигини, у 2016 йил 31 март куни “ [REDACTED] банк” [REDACTED] филиалига кредит ажратиш бўйича мурожаат қилмаганлигини, у 2015 йилда олинган кредит маблағларининг 43.000.000 сўмини тўлаганлигини, ўша вақтда уч томонлама шартнома асосида фуқароларга картошка уруғи ва парранда маҳсулотларини етказиб берганлигини, аммо ундан картошка уруғи ва парранда маҳсулотларини олган фуқаролар маҳсулот пулларини ўз вақтида тўлай олишмаганлиги сабабли кредит маблағларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги ҳақидаги,

Судда қўшимча гувоҳ сифатида сўралган [REDACTED] ўз кўргазмасида, у ЖИБ Булунғур туман судининг ажримига асосан “ [REDACTED] банк” [REDACTED] туман филиалида хизмат текшируви ўтказганлигини, ўтказилган хизмат текшируви натижаларига кўра, 2015 йилда

_____ туманида фаолият юритаётган “_____” МЧЖга 94.632.213 сўм, “_____” МЧЖга 68.915.125 сўм, “_____” МЧЖга 84.987.213 сўм ва “_____” МЧЖга 61.007.213 сўм миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит суммалари ажратилганлигини, лекин “_____” _____ туман филиали собиқ мансабдор шахслари томонидан _____ 31 март ҳолатига ушбу кредит маблағлари умуман ёки қисман _____ арганлигини билганлари ҳолда, “_____” МЧЖга 49.150.763 сўм, “_____” МЧЖга 34.100.000 сўм, “_____” МЧЖга 116.000.000 сўм, “_____” МЧЖга 30659574 сўм миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш учун 1 йил муддатга имтиёзли 9 фоизли кредит ажратишганлигини, судланувчи _____ ички назорат қоидаларига кўра, шубҳали ва гумонли операциялар аниқланган тақдирда, бундай операциялар ҳақида ўз раҳбарига ёки ички назорат ходимига ёзма равишда хабар бериши керак бўлганлигини, _____ юқорида номлари кўрсатилган агрофирмалар томонидан тўлов топшириқномалари тақдим этилмаган бўлсада, кредит маблағларини асоссиз равишда ўтказиб берганлигини, ўша вақтда _____ “_____ банк” _____ туман филиали бошқарувчиси вазифасини вақтинчалик бажарганлиги ва ушбу ажратилган кредитларнинг ажратилишига шахсан биринчи имзо қўйиш ваколати _____ да бўлганлиги ва банкнинг барча операцияларига шахсан жавобгар бўлганлиги, агар унинг топшириғига асосан кредит ажратилмаган бўлса, иш куни тугаши билан барча якуний ҳисобларни текшириб, ноқонуний ўтказилган кредитни қайтариш чорасини кўриши ва бу ҳақда юқори турувчи раҳбарига хабар бериши лозим бўлганлигини, лекин _____ бундай қилмаганлигини, унинг ушбу ноқонуний кредит ажратилганлигидан хабари бўлганлигини, 2016 йил 31 март куни ажратилган кредитларнинг электрон маълумотлари банкнинг ASBT(КАМИ) дастурига судланувчи _____ номига очилган логин орқали киритилганлиги, шунингдек ажратилган кредит маблағларини ўтказиш бўйича бухгалтерия амалиётлари банкнинг ASBT дастурига филиал ходими _____ номига очилган логин орқали киритилганлиги, ушбу кредит хужжатлари “_____ банк” АТБ бошқаруви ходими _____ номига очилган логин орқали тасдиқланиб, судланувчи _____ номига очилган логин орқали кредит маблағлари 2016 йил 31 март куни ўтказилиб берилганлиги аниқланганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Судда қўшимча гувоҳ сифатида сўралган _____ ўз кўргазмасида, ҳақиқатдан ҳам у Булунғур туман прокуратураси терговчиси лавозимида ишлашганини, 2019 йил 30 январ куни унинг иш юритувида “_____ банк” _____ филиали собиқ бош ҳисобчи _____ ва бошқалар томонидан 31.03.2016 йилда тумандаги МЧЖ шаклдаги _____

ишлаганлигини, [REDACTED] нинг нима сабабдан ишдан бўшаганлигини билмаслигини, туман филиалига вилоят бошқарув ходимлари келганида, ҳар доим йиғилиш ўтказилганлигини, у йиғилиш нима ҳақида ўтказилганлигидан хабари бўлмаслигини, [REDACTED] (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) [REDACTED] нинг [REDACTED] га қандай буйруқлар берганидан унинг хабари йиғилишда, туман филиали бошқарувчиси лавозимига ўтказиш тўғрисидаги буйруқ Республика бошқаруви томонидан чиқарилишини, [REDACTED] бошқарувчи вазифасини бажарган вақтда унинг номига логин-парол очилган ёки очилмаганлигини билмаслигини, у банк операциялари ва кредит масалалари бўйича ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги, ишга келганлиги ҳақидаги табель нусхаларини тақдим этишлиги ҳақида кўрсатма берди.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг жиноят ишидаги ариза, тилхат, банкда ўтказилган текшириш ва хизмат текшируви хулосалари, далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар, судга оид хатшунослик экспертиза хулосалари, имзо намуналари, кредит йиғма жилдлари, ҳужжатларни ёзма далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, сўроқ қилиш баённомалари, жиноят иши билан таништириш тўғрисидаги баённомалар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида «Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳўкм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин» деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] лар томонидан содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг у 31 март 2016 йил ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб, иш хонасидан чиқиб кетганлиги ва умуман ишга келмаганлиги, ажратилган кредит маблағларидан унинг хабари йўқлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлари ўтказилган хизмат текшируви хулосаси билан, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг суд мажлисида берган кўрсатувлари билан, қушимча гувоҳ сифатида сўроқ қилинган [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг кўрсатувлари билан ҳамда [REDACTED] номига берилган банкни бошқариш бўйича ишончнома ва буйруқлар билан,

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

борлигини инобатга олиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддасини мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ “қерак” деган, ушбу қарорнинг 26-бандидаги “озодликдан маҳрум қилиш қўлланилишида одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, уни жамиятдан ажратмасдан қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, унга айбли деб топилган ЖК 167-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазо тайинлаб, дарҳол суд залидан қамоққа олишликни ва унга нисбатан қўлланилган “тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишликни лозим топди.

Шунингдек, суд судланувчи [REDACTED] га қўшимча жазо, яъни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 45-бандида, айбдор ўзи эгаллаган вазифаси ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги тўғрисидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, судланувчи [REDACTED] мазкур жиноятларни эгаллаб турган мансаби ва хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, [REDACTED] га нисбатан қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашликни ҳамда тайинланган жазоларни ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижрога қаратишликни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] ни жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, уни содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига қисман иқрорлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига қисман иқрорлигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, оилалик бўлиб икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарар бартараф қилинмаганлигини ва фуқаровий даъвогарнинг даъвоси борлигини инобатга олиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар

томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий (қасб, қўриқ қилганлик, айбдорнинг шахси), шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган, ушбу қарорнинг 26-бандидаги “...қўриқдан маҳрум қилиш жазо тариқасида одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар со...ни шахсларга қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолатда қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаш учун асослар мавжуд эмас деб, уни жамиятдан ажратмасдан қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, бундан ташқари [REDACTED] ни жамиятдан ажратмаган ҳолда етказилган жўда кўп миқдордаги зарарни ўндиришнинг реал имконияти йўқлигини эътиборга олиб, унга айбли деб топилган ЖК 167-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш ва 209-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни ҳамда ЖК 59-моддаси 2-қисми ва ЖК 61-моддасига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб, жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 07.05.2018 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган ҳамда ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинлаб, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг унга нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишликни ва дарҳол суд залидан қамокқа олишликни лозим топди.

Шунингдек, суд судланувчи [REDACTED] га қўшимча жазо, яъни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 45-бандида, айбдор ўзи эгаллаган вазифаси ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги тўғрисидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, судланувчи [REDACTED] мазкур жиноятларни эгаллаб турган мансаби ва хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, [REDACTED] га нисбатан қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашликни ҳамда тайинланган жазоларни ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижрога қаратишликни лозим топди.

Суд, судланувчи [REDACTED] ни жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, уни содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пўшаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва бошқа паст

ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида белгиланган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига ижроқилигини, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшини, оилалик бўлиб уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарар бартараф қилинмаганлигини ва фуқаровий давогарнинг даъвоси борлигини инобатга олиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган, ушбу қарорнинг 26-бандидаги “озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, уни жамиятдан ажратмасдан қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, унга айбли деб топилган ЖК 167-моддаси 3-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазо ва ЖК 209-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштириб, жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, дарҳол суд залидан қамокқа олишликни ва унга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишликни ҳамда гаровга қўйилган автомашина дастлабки тергов даврида тилхат орқали қонуний эгасига қайтарилганлиги инобатга олишликни лозим топди.

Шунингдек, суд судланувчи [REDACTED] га қўшимча жазо, яъни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 45-бандида, айбдор ўзи эгаллаган вазифаси ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги тўғрисидаги раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, судланувчи [REDACTED] мазкур жиноятларни эгаллаб турган мансаби ва хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, [REDACTED] га нисбатан қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашликни ҳамда тайинланган жазоларни ЖКнинг 61-моддасига асосан алоҳида-алоҳида ижрога қаратишликни лозим топди.

Суд, жиноят иши бўйича “ ██████████ банк” ██████████ филиалига етказилган зарарнинг 195.810.337 сўми қопланмаганлиги сабабли, судланувчи ██████████ ва ██████████ (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) ██████████ лардан 195.810.337 сўми нуллар солидар тартибда “ ██████████ банк” ██████████ филиали фойдасига тегишли тартибда ўндиришликни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи ██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Меликулов ██████████ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин ва ЖК 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йилу 6 (олти) ой муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат иштирокидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда моддий ва мансабдорлик ловозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилсин.

██████████ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси 1-қисми билан ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

██████████ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси 2-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштириб қисман ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-қесил 6 (олти) йилу 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин ва 2 (икки) йилу 6 (олти) ой муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат иштирокидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда моддий ва мансабдорлик ловозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилсин.

██████████ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаларига асосан жиноятлар мажмуи бўйича жиноят ишлари бўйича Булунғур туман судининг 07.05.2018 йилдаги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-қесил, 3 (уч) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат иштирокидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда моддий ва мансабдорлик ловозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 (олти) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

_____ га нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ муддати 2019 йил 07 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати жазо ишлари бўйича Жомбой туман судининг 26.10.2017 йилдаги ҳукми қонуний кучга кирган ҳамда ижрога қабул қилинган кундан ҳисоблансин.

Судланувчи _____ нинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси 1-қисми чиқариб ташлансин ва ишнинг шу қисми тугатилсин.

Судланувчи _____ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

_____ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 3-қисми билан 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва ЖКнинг 45-моддаси қўллаб, 3 (уч) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат иштирокидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда моддий ва мансабдорлик ловозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин. _____ га нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 07 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин.

Судланувчи _____ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 209-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

_____ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин ва ЖК 45-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат иштирокидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда моддий ва мансабдорлик ловозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилсин.

_____ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 209-моддаси 1-қисми билан ҳар ойда ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

га Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси 2-қисми ва 61-моддасига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳар уч кунини озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенлаштириб қисман ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича [] есил 6 (олти) йилу 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тайинлансин ва 3 (уч) йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни давлат иштирокидаги корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда моддий ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

[] дарҳол суд залидан қамоққа олинсин ва унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаровга қўйилган автомашина дастлабки тергов даврида тилхат орқали қонуний эгасига қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 07 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин.

Жиноят иши бўйича “ [] банк” [] филиалига етказилган зарарнинг 195.810.337 сўми қопланмаганлиги сабабли, судланувчи [] ва [] лардан солидар тартибда 195.810.337 сўм пуллар “ [] банк” [] филиали фойдасига тегишли тартибда ўндирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдиришига ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

Ф.Худайбердиев